

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВ ЖАМОЛИДДИН НАСИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УЗУМНИНГ УРУҒСИЗ НАВЛАРИ
ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Файзиев Жамолиддин Насирович

Ўзбекистон шароитида узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш технологиясини илмий асослаш.....

Файзиев Жамолиддин Насирович

Научное обоснование технологии повышения урожайности и качества бессемянных сортов винограда в условиях Узбекистана.....

Fayziyev Jamoliddin Nasirovich

Scientific substantiation of the technology of increasing the yield and quality of seedless grape varieties in Uzbekistan.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВ ЖАМОЛИДДИН НАСИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УЗУМНИНГ УРУҒСИЗ НАВЛАРИ
ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.DSc/Qx39 рақами билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович
биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Байметов Карим Исаевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Бердиев Эркин Турдалиевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Хўжамшукуров Нортажи Абдихаликович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўрмончилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил ____ да соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс:(+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э.Намазов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, к.х.ф.д., профессор.

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., доцент.

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича тоқзорларнинг умумий майдони 7 млн. 546 минг гектарни, ялпи узум ҳосили 62 млн. тоннани ташкил этмоқда. Етиштириладиган узум ҳосилининг асосий қисми – 83% вино тайёрлаш, 12% янгилигича истеъмол қилиш ва 5% қуритиш (майиз) учун ишлатилади. Дунё бўйича етиштирилган узумнинг 31 млн. тоннаси Европа, 12,5 млн. тоннаси АҚШ, 13,5 млн. тоннаси Осиё, 3,1 млн. тоннаси Африка ва 3,1 млн. тоннаси Австралия ва Янги Зеландия мамлакатлари улушига тўғри келиб, узум ҳосилдорлиги ўртача 82,2 ц/га ни ташкил этмоқда¹. Ҳозирги вақтда, дунёнинг узум етиштирувчи мамлакатларида узум ҳосилдорлигини оширишда янги навларни яратиш ва энг мақбул агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш масалалари долзарб муаммо ҳисобланади.

Сўнгги йилларда дунё қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган узумчилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар натижасида узумнинг истиқболли уруғсиз навларини чиқариш, уларнинг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, қуритилган маҳсулот (майиз) олиш учун энг яхши уруғсиз навларни танлаш, тоқ тупи юкламаси, минерал ўғитлар ва ўсишни бошқарувчи моддаларнинг энг мақбул миқдорлари ишлаб чиқилган. Ушбу ишланмаларни маълум жой тупроқ-иқлим шароитлари ва қўлланилаётган нав хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мақбуллаштириш узумчилик соҳасининг самарадорлигини сезиларли ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда узумнинг юқори ҳосилдор, кенг тарқалган хавфли касаллик ва зараркунандаларга чидамли янги нав ва дурагайларини яратиш ҳамда етиштиришнинг мақбул агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундай бўлсада, узумчиликда қўлланилаётган агротехник тадбирларни ҳар бир вилоят тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш узумчилик соҳасининг ишлаб чиқариш унумдорлигини янада оширади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, айниқса кейинги йилларда узум етиштиришнинг технологиясига алоҳида эътибор бериш»² муҳим вазифа қилиб белгиланган. Бу борада узумнинг уруғсиз навларни танлаш, тоқ тупи юкламаси, минерал ўғитлар ва ўсишни бошқарувчи моддаларнинг меъёрларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 мартдаги 1937-сонли Қарори «2013-2015 йиллар даврида республикада узумчиликни янада ривожлантириш дастури тўғрисида» ги, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон

¹ <http://vinocenter.ru/mirovye-proizvodstvo-i-potreblenie-vinograda.html>; <https://east-fruit.com/article/v-sezone-20182019-gg-mirovye-proizvodstvo-stolovogo-vinograda-sokratilos-na-13-mln-tonn>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

«Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Узумнинг уруғсиз навларини ҳосили ва сифатини оширишга имконини берувчи, узумнинг уруғсиз навларини яратиш ва ток тупи юкламаси, минерал ўғитлар ва ўсишни бошқарувчи моддалар энг мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш ва улар асосида юқори ва сифатли ҳосил етиштириш масалалари бўйича изланишлар дунёдаги нуфузли илмий-тадқиқот марказлари ва муассасаларида, жумладан, Viticulture and Enology Research Center (АҚШ, Калифорния), Research Institute of Horticulture, Viticulture and Winemaking (Грузия), Instituto Nacional de Tecnología Agropesquera (Аргентина), Research Institute of Viticulture, Winemaking and Fruit crops (Арманистон), Hochschule Geisenheim University. (Германия), Viticole et Oenologique (Франция), Viticultural Research Institute Manisa (Туркия), Шимолий Кавказ боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти (Россия)³, академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ва Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Узумнинг уруғсиз навларини танлаш, ток тупи юкламаси, минерал ўғитлар ва ўсишни бошқарувчи моддаларнинг мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш, шунингдек узум етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича дунёда олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижаларга эришилган: узумнинг уруғсизлик ва уруғсиз узум чиқариш селекциясининг назарий масалалари ишлаб чиқилган (Шимолий Кавказ боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти (Россия); уруғсиз навларнинг мақбул туп юкламалари аниқланган (Viticulture and Enology Research Center, АҚШ); техник навлар новдаларини 3-4 куртак узунлигида кесиш юкламасининг самарадорлиги исботланган (Hochschule Geisenheim University, Германия); узумнинг уруғсиз истиқболли Кишмиш Согдиана, Кишмиш Ботир, Кишмиш Зарафшон каби навлари яратилган (академик М.Мирзаев БУ ва В ИТИ, Ўзбекистон).

Бугунги кунда узум етиштириш бўйича етакчилик қилаётган хорижий мамлакатларда узум ишлаб чиқариш ҳажмини ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда:

³ <http://www.vivc.de/index.php?r=kontakt%2Findex&KontaktSearch%5Bcountries%5D%5B0%5D=all&page=3;>
<https://www.vinifera-euromaster.eu/pages/?page=22&idl=21>

узумнинг йирик ғужумли уруғсиз навларини яратиш, ҳар бир нав учун агротехника тизимини такомиллаштириш, ўсишни бошқарувчи моддаларнинг замонавий авлодларини ишлаб чиқиш; узум қуритишнинг ресурс ва энергия тежамкор технологияларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли минтақалари шароитларида минерал ўғитлар меъёрлари, ток тупи юкламаси ва ўсишни бошқарувчи моддаларнинг узум навларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича W.M.Kliewer, A.Colby, P.Bowen, M.Benz, Pal.Kozma, R.M.Cirami, N.Sima, C.Ivanescu, V.Popa, D.Teurot, A.T.Winkler, E.K.Плакида, М.П.Бушин, М.М.Мирзаев, Д.И.Баулин, В.Л.Молчанов, З.Я.Молчанова, Ю.М.Джавакянц ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган.

Сифатли қуритилган майиз олиш учун истиқболли уруғсиз узум навларини яратиш ва танлаш, узум новдаларининг кесиш узунлиги ва туп юкламасини оптималлаштириш, ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш, тоғолди ва тоғли минтақаларда узум етиштириш технологияси тамойиллари яратилган. Хусусан, узумнинг уруғсиз навларига ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш, ток тупини ўстириш, уруғсиз навлар ғужумини энергиятежамкор ва экологик тоза усулларда қуритиш; нав агротехникаси ва бошқалар бўйича тавсиялар берилган.

Ҳозирги кунда узумнинг уруғсиз навларини ҳосилдорлиги ва сифатини янада ошириш, навларнинг потенциал ҳосилдорлигини максимал намоён этадиган уруғсиз навларни танлаш, ток тупи юкламаси, минерал ўғитлар ва ўсишни бошқарувчи моддаларнинг энг мақбул меъёрларини татбиқ этиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан узумнинг уруғсиз навларини агробиологик хусусиятларини ўрганиш ва навларни чатиштириш йўли билан юқори ҳосилли шаклларни ажратиш, танлаш ҳамда уларни ток тупи юкламаси, минерал ўғитлар ва ўсишни бошқарувчи моддаларнинг ҳар бир нав учун энг мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда, уни ҳал этиш эса токзорлардан юқори ва сифатли ҳосил бериш имконини берувчи қатор муаммоли масалалар ечишига имкон беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХАЁ-9-09 «Амалий селекцияда фойдаланиш мақсадида мевали экинлар генофондини маҳаллий навлар билан бойитиш» (2010-2011 й.й.) ва ҚХАЁ-8-060 «Узумни навлараро чатиштирилган дурагайлари агробиологик хусусиятларини ўрганиш асосида истиқболли навларни танлаш» (2015-2017 й.й.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон шароитида узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш технологиясининг илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

узум коллекциясидаги уруғсиз навларнинг агробиологик хусусиятларига

асосан ҳосилдорлиги ва сифати юқори бўлган навларни танлаш;

узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатининг ток тупи юкламасига боғлиқлигини илмий асослаш;

узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатига минерал ўғитлар меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатини оширишда ўстиришни бошқарувчи моддалар ва ишлов бериш муддати, меъёрларини таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида узумнинг уруғсиз Кишмиш черный, Кишмиш Согдиана, Мотрудий, Кишмиш оврутский, Қора бедона, Кишмиш белый, Кишмиш Самарқанд, Кишмиш кариза, Кишмиш иртишар, Кишмиш мраморный ва Тарнау каби навлари; ток тупи юкламаси, минерал ўғитлар ва ўсишни бошқарувчи моддалар ва меъёрлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб узумнинг уруғсиз навлари ўсимликларининг агробиологик хусусиятлари, фенологик фазаларнинг ўтиши, ток тупларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари, узум боши ва ғужумининг механик хусусиятлари ва кимёвий таркиби, ҳосилдорлиги ва ғужумининг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибалар Х.Ч.Бўриев, Н.Ш.Енилеев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси», (2014), М.А.Лазаревскийнинг «Методы ботанического описания и агробиологического изучения сортов винограда» (1946), Н.Н.Простосердовнинг «Изучение винограда для определения его использования» (1963), В.Ф.Моисейченконинг «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами» (1967) номли услубий адабиётларида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган. Токнинг зарарланганлик даражаси Ш.Т.Ходжаевнинг “Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган химоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари” (2015) асосида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А. Доспехов услуби бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республикада узумнинг уруғсиз навлари коллекциясидаги ўсимликларни хўжалик ва агробиологик хусусиятлари асосида энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган истиқболли навлар танланган;

узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатини оширувчи энг мақбул ток тупи юкламаси аниқланган;

узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатини оширишга имкон берувчи энг мақбул минерал ўғитлар меъёрлари илмий асосланган;

узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатини оширувчи ўсишни бошқарувчи моддалар, ишлов бериш муддати ва унинг самарали концентрацияси танланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

узумнинг уруғсиз навлари коллекциясидан танлаб олинган истиқболли

навлар ҳосилдорлиги назорат навга нисбатан 30% юқори ҳосил олиш имконини берган;

узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатини оширувчи энг мақбул ток тупи юкламаси 120-160 куртак оралиғида эканлиги аниқланган, ушбу юклама анъанавий юкламага (80-100 куртак) нисбатан уруғсиз узум навларидан гектарига 15-20% юқори ҳосил олиш имконини берган;

узумнинг уруғсиз навларини $N_{160}P_{120}K_{40}$ ҳисобидан минерал озиклантириш умумқабул қилинган меъёрларда ($N_{120}P_{90}K_{30}$) ўғитлашга нисбатан 39-44% юқори ҳосил етиштириш имконини берган;

узумнинг уруғсиз навларига ўсишни бошқарувчи гиббереллин моддасининг 100 мг/л сувли эритмаси билан ишлов берилганда ишлов берилмаган (назорат) тупларга нисбатан ҳосилдорлик 15-18%, ғужум йириклиги 18%, кампозаннинг 100 мг/л сувли эритмаси билан ишлов берилганда қандлилиги 2% га ошган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория ва дала тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий-тадқиқот ҳисоботларининг институт илмий кенгашида муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференциялар, инновацион кўргазмаларда муҳокама қилинганлиги, олинган натижалар асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатига кирган илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти узумнинг уруғсиз навлари коллекцион намуналари хўжалик-биологик хусусиятларининг баҳоланганлиги, уруғсиз узум навлари ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатининг ток тупи юкламасига, минерал ўғит бериш меъёрига, ўсишни бошқарувчи моддалар, ишлов бериш муддати ва концентрациясига боғлиқлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти узумнинг уруғсиз навлари коллекциясидан юқори ҳосилли, ғужум сифати юқори навлар танланганлиги, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатини оширувчи энг мақбул ток тупи юкламаси, минерал ўғит бериш меъёрлари аниқланганлиги, ўсишни бошқарувчи модда ва унинг мақбул концентрацияси аниқланганлиги ва ишлов бериш муддати ишлаб чиқилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон шароитида узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш технологиясини илмий асослаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

узумчилик фермер хўжаликлари учун «Узумнинг уруғсиз навларини етиштириш технологияси» мавзусидаги тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 02/030-3858 сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида узумнинг уруғсиз навлари токзорларини барпо қилиш ва уларни етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

узумнинг уруғсиз истиқболли навларини танлаш ишланмаси Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги “Бобур агро инновация” фермер хўжалигида Кишмиш Согдиана нави бўйича 1,0 га, Кишмиш Самарқанд нави бўйича 1,0 га, жами 2,0 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 02/030-3858 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида фермер хўжалигида истиқболли навларнинг токзори барпо қилинган;

узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатига туп юкламасининг таъсири ишланмаси Тошкент вилояти Қибрай туманидаги “Қўқонов Рўзмат” фермер хўжалигида 1,5 га, Паркент туманидаги “Хисорак Хасан Хусан” фермер хўжалигида 1,5 га, жами 3,0 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 02/030-3858 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектарига 2,3-2,5 тонна қўшимча ҳосил етиштиришга эришилган, рентабеллик 129-138 % ни ташкил этган;

узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатига минерал ўғитларнинг таъсири ишланмаси Тошкент вилояти Паркент туманидаги “Хисорак Хасан Хусан” фермер хўжалигида 1,5 га, Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги “Мумтоз-Махал Суннатулло” фермер хўжалигида 1,0 га, “Назарбой Маматкулов узумзори” фермер хўжалигида 1,0 га, жами 3,5 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 02/030-3858 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида анъанавий ўғитлаш меъёрига нисбатан 3,5-4,7 тоннагача қўшимча ҳосил етиштиришга эришилган, рентабеллик даражаси 145 % ни ташкил этган;

узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатига ўсишни бошқарувчи моддаларнинг таъсири ишланмаси Тошкент вилояти Қибрай туманидаги “Қўқонов Рўзмат” фермер хўжалигида 2,0 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 02/030-3858 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектарига 1,8 тонна қўшимча ҳосил етиштиришга эришилган, рентабеллик даражаси 123 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, шу жумладан 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда битта монография ва битта тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатини оширишнинг назарий ва амалий асослари»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикаимиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Бинобарин, узумнинг уруғсиз навларини биологик хусусиятлари, узумнинг уруғсиз навларини танлашни назарий ва амалий асослари, узум ҳосилдорлиги ва сифатини ток тупи юкламасига боғлиқлигининг назарий асослари, узум ҳосилдорлиги ва сифатини оширишда минерал ўғитлардан ҳамда ўсишни бошқарувчи моддалардан фойдаланиш юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотни ўтказиш шароити ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот дастури ва услублари» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажриба ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Узумнинг уруғсиз навларини танлаш»** деб номланган учинчи бобида узумнинг уруғсиз навлари коллекциясидан юқори сифатли, экспортбоп майиз ишлаб чиқариш имконини берувчи истиқболли навларини танлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг «Узумни уруғсиз навлари туп катталиги ва уларнинг морфологик хусусиятлари» деб номланган бўлимида узумнинг ўрганилган уруғсиз навлари тупининг морфологик кўрсаткичлари ўрганилган.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, узумнинг Кишмиш оврутский, Қора бедона, Кишмиш мраморный, Кишмиш белый, Кишмиш иртишар ва Кишмиш Согдиана навларида новдалар энг кам миқдорда (бир тупда 32,2-39,2) бўлганлиги аниқланди. Кишмиш қариза, Кишмиш Самарқанд, Мотрудий ва Кишмиш черный навларида эса новдалар энг кўп (бир тупда 41,2-45,8 дона)

бўлди.

Тупдаги барглар сони ва сатҳига боғлиқ равишда узумнинг Кишмиш черный, Кишмиш кариза ва Кишмиш Согдиана навларида тупларининг ассимиляцияцион юзаси энг катта – 18,1-19,5 м² ни ташкил қилди. Кишмиш мраморный, Кишмиш оврутский, Қора бедона навлари тупларининг ассимиляцияцион юзаси энг кичик – 8,5-9,7 м² бўлганлиги аниқланди. Қолган узум навлари тупларининг ассимиляцияцион юзасининг катталиги 12,1-15,3 м² чегара оралиғида бўлиши аниқланди.

«Узумнинг уруғсиз навлари вегетация фазаларини ўтиш муддатлари» деб номланган бўлимида узумнинг ўрганилган уруғсиз навлари ўсимликларида вегетация фазаларини ўтиш муддатлари ва уларнинг давомийлиги ўрганилган. Кузатувлар натижасида узум навлари куртакларнинг бўрта бошлашидан ғужумларнинг тўлиқ пишишигача бўлган вегетация даврининг давомийлиги бўйича шартли равишда уч гуруҳга ажратилди: тезпишар навлар (112-129 кун) – Мотрудий, Кишмиш оврутский; ўртапишар навлар (132-140 кун) – Кишмиш черный, Кишмиш Самарқанд, Кишмиш кариза, Қора бедона, Кишмиш мраморный; кечпишар навлар (145-157 кун) – Кишмиш Согдиана, Кишмиш иртишар, Кишмиш белый (1-жадвал).

1-жадвал

Узумнинг уруғсиз навлари куртакларини бўрта бошлашидан новдаларининг пишишигача бўлган давр давомийлиги (вегетациянинг II-III-IV-V фазалари) ва фаол ҳароратлар йиғиндиси, 2011-2013 й.й.

Т/р	Навлар	2011		2012		2013		Ўртача	
		кун-лар, сони	ҳарорат йиғиндиси, °С						
1.	Кिशмиш черный – назорат	138	1738,8	139	1751,4	128	1612,8	135	1697,5
2.	Кिशмиш Согдиана	148	1909,2	153	1973,7	145	1870,5	148	1908,0
3.	Мотрудий	122	1378,6	105	1186,5	110	1243,0	112	1269,5
4.	Кिशмиш оврутский	123	1291,5	140	1470,0	124	1302,0	129	1361,6
5.	Қора бедона	156	1840,8	165	1947,0	150	1770,0	157	1845,9
6.	Кिशмиш белый – назорат	134	1809,0	151	2038,5	151	2038,5	145	1962,8
7.	Кिशмиш Самарқанд	133	1715,7	138	1780,2	125	1612,5	135	1705,9
8.	Кिशмиш кариза	127	1714,5	144	1944,0	136	1836,6	136	1837,0
9.	Кिशмиш иртишар	132	1808,4	141	1931,7	139	1904,3	140	1919,7
10.	Кिशмиш мраморный	138	1863,0	144	1944,0	133	1795,5	138	1869,2

Вегетация даврининг давомийлигига боғлиқ равишда фаол ҳароратлар йиғиндисининг энг кичик қиймати – 1269,5-1361,6 °С узумнинг Мотрудий,

Кишмиш оврутский навларида қайд этилди. Энг кўп – 1869,2-1962,8 °С фаол ҳароратлар йиғиндиси узумнинг Кишмиш Иртишар ва Кишмиш белый навларида ҳисоб қилинди. Қолган навларда ушбу қиймат 1697,5-1869,2 °С оралиғида бўлди.

«Узумнинг уруғсиз навлари узум боши ва ғужумининг механик хусусиятлари ва кимёвий таркиби» деб номланган бўлимида узумнинг уруғсиз навлари узум боши ва ғужуми механик таҳлил қилинган ва ғужум шарбатининг биокимёвий таркиби аниқланган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, энг йирик узум бошлари узумнинг Кишмиш Согдиана (599,0 г), Қора бедона (468,2 г), Кишмиш черный (338,6 г) навларида аниқланди. Мотрудий узум навида энг кичик (176,6 г) узум бошлар оғирлиги қайд этилди. Қолган навларда узум бошларининг ўртача оғирлиги 246-284 г атрофида бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Узумнинг уруғсиз навлари узум бошини механик таркиби ва оғирлиги, 2011-2013 й.й.

Т/р	Навлар	Узум бошининг ўртача оғирлиги, г	Узум бошидаги шингилнинг ўртача оғирлиги, г	Узум бошидаги ғужумларнинг ўртача оғирлиги, г	Узум бошидаги ғужумларнинг ўртача сони, дона	Узумбоши ўлчами	
						узунлиги, см	эни, см
1.	Кишмиш черный – назорат	338,6	6,2	332,5	147,0	20,0	123
2.	Кишмиш Согдиана	599,0	9,2	589,9	138,5	24,3	11,7
3.	Мотрудий	176,6	3,9	172,8	165,0	13,4	10,1
4.	Кишмиш оврутский	405,8	5,2	400,7	228,6	22,3	12,5
5.	Қора бедона	468,2	4,4	473,9	225,0	19,4	13,8
6.	Кишмиш белый – назорат	257,4	5,2	252,3	177,3	22,4	10,2
7.	Кишмиш Самарқанд	284,0	5,6	278,5	146,6	14,6	11,2
8.	Кишмиш кариза	246,0	4,4	241,7	217,0	16,6	9,9
9.	Кишмиш иртишар	269,7	4,1	262,7	144,2	17,6	9,6
10.	Кишмиш мраморный	258,3	4,9	253,5	264,3	23,3	12,0
	ЭКФ ₀₅	5,5	0,1	6,1	3,2		
	Sx	1,9	0,1	3,2	1,6		

Энг йирик ғужумлар Кишмиш Согдиана, Кишмиш Самарқанд навларида ўртача 4,0-4,5 г ни ташкил этди. Энг майда ғужумлар – 0,9-1,9 г Кишмиш мраморный, Кишмиш оврутский, Кишмиш белый ва Кишмиш кариза навларида қайд этилди.

Юқори қандлилиги билан (23,4-25,2%) узумнинг Кишмиш белый,

Кишмиш черный ва Кишмиш Самарқанд навлари ажралиб турди. Кишмиш кариза, Мотрудий ва Кишмиш иртишар узум навларида қандлилиги энг кам (17,1-18,2%) бўлди. Қолган навлари ғужумларида қандлилик микдори 20,3-23,0% ташкил қилди.

Кишмиш Согдиана ва Кишмиш оврутский навларида транспортабеллик энг юқори кўрсаткичларда бўлди. Уларнинг ғужумларини эзилишига 1327,8-1398,8 г ва ғужумининг бандидан узилиши учун 373,5-389,3 г юклама талаб этилди. Ташишга чидамлилики Кишмиш кариза навида энг кам – мос ҳолда 681,9 ва 185,2 г бўлди. Қолган навларда транспортабеллик оралик кўрсаткичларга эга эканлигини аниқланди.


«Узумнинг уруғсиз навларини совуқ ва қишга чидамлилики кўрсаткичлари» деб номланган бўлимида ўрганилган навлар ўсимликларининг қиш ва эрта баҳорги даврда кузатиладиган паст ҳароратларга чидамлилигини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу йўналишда олиб борилган кузатувларнинг кўрсатишича, узумнинг Кишмиш Согдиана ва Қора бедона навлари новдалари совуққа нисбатан чидамли эканлиги аниқланди. Қора бедона узум нави новдаси совуққа чидамлигига қараб, 3 балл билан баҳоланди (беш балли тизим бўйича), узумнинг Кишмиш Согдиана нави 3 балл билан баҳоланганлиги қайд этилди. Узумнинг Кишмиш оврутский, Кишмиш белый овальный навлари новдаларини деярли тўлиқ совуқ уриб кетди (4,9 балл), Кишмиш иртишар узум навида ушбу кўрсаткич бир мунча камроқ бўлди (4,1 балл), қолган узум навларининг новдаларини бутунлай совуқ уриб кетганлиги қайд этилди (5 балл).

«Узумнинг уруғсиз навларини ҳосилдорлик кўрсаткичлари» деб номланган бўлимида навларнинг ҳосилдорлигини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, энг юқори барқарор ҳосил узумнинг Кишмиш Согдиана, Кишмиш оврутский ва Кишмиш черный навларида қайд этилди, яъни мос ҳолда 191,0; 165,0 ва 154,0 ц/га ни ташкил этди. Энг паст ҳосилдорлик – 130,0-131,0 ц/га узумнинг Мотрудий ва Кишмиш мраморный навларида аниқланди. Қолган навлар ўртача ҳосилдор гуруҳни ташкил этди ва уларда ушбу хўжалик кўрсаткичи 135,0-150,0 ц/га атрофида ўзгарди (1-расм).

«Узумнинг уруғсиз навларини совуқ ва қишга чидамлилики кўрсаткичлари» деб номланган бўлимида ўрганилган навлар ўсимликларининг қиш ва эрта баҳорги даврда кузатиладиган паст ҳароратларга чидамлилигини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Кузатувларнинг кўрсатишича, узумнинг Кишмиш Согдиана ва Қора бедона навлари новдалари совуққа нисбатан чидамли эканлиги аниқланди. Қора бедона узум нави новдаси совуққа чидамлигига қараб, 3 балл билан баҳоланди (беш балли тизим бўйича), узумнинг Кишмиш Согдиана нави 3 балл билан баҳоланганлиги қайд этилди. Кишмиш оврутский, Кишмиш белый узум навлари новдаларини деярли тўлиқ совуқ уриб кетди (4,9 балл), Кишмиш иртишар узум навида бу кўрсаткич бир мунча камроқ бўлди (4,1 балл), қолган узум навларининг новдаларини бутунлай совуқ уриб кетганлиги қайд этилди (5 балл).

«Узумнинг уруғсиз навларини ҳосилдорлик кўрсаткичлари» деб номланган

бўлимида навларнинг ҳосилдорлигини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, энг юқори барқарор ҳосил узумнинг Кишмиш Согдиана, Кишмиш оврутский ва Кишмиш черный навларида қайд этилди, яъни мос ҳолда 191,0; 165,0 ва 154,0 ц/га ни ташкил этди. Энг паст ҳосилдорлик – 130,0-131,0 ц/га узумнинг Мотрудий ва Кишмиш мраморный навларида аниқланди. Қолган навлар ўртача ҳосилдор гуруҳни ташкил этди ва уларда ушбу хўжалик кўрсаткичи 135,0-150,0 ц/га атрофида ўзгарди (1-расм).



1-расм. Узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги, ц/га; 2011-2013 йиллар

«Узумнинг уруғсиз навларини технологик кўрсаткичлари» деб номланган бўлимида ўрганилган навлар узум боши ғужумини қуритишда тайёр маҳсулот чиқиши ва унинг сифатини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, энг кўп қуритилган маҳсулот чиқиши узумнинг Кишмиш белый ва Кишмиш мраморный навларида 30,2 ва 29,1% ни ташкил этди. Қуритилган маҳсулотнинг энг кам чиқиши Кишмиш оврутский ва Кишмиш иртишар 19,2-20,2% дан ошмади. Узумнинг қолган навларида қуритилган маҳсулотнинг чиқиши ўртача 23,5-26,2% атрофида бўлди.

«Узумнинг уруғсиз навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бўлимида узумнинг уруғсиз навлари коллекцияси ўсимликларини етиштиришнинг иқтисодий мақбуллигини аниқлаш юзасидан бажарилган таҳлилий маълумотлар келтирилган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, уруғсиз узум ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси Кишмиш Согдиана, Кишмиш черный, Қора бедона ва Кишмиш оврутский навларида энг юқори,

яъни 136,4; 94,4; 89,7 ва 81,2% ни ташкил этди. Энг паст рентабеллик Мотрудий, Кишмиш мраморный ва Кишмиш иртишар навларида 45,4; 46,5 ва 50,6% ни ташкил этди. Қолган навларнинг рентабеллик даражаси ушбу навлар ўртасида оралиқ ифодага эга бўлди ва 55,8-75,7% оралиғида ўзгарди.

Диссертациянинг «Ўсишни бошқарувчи моддаларнинг узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида узумнинг уруғсиз Тарнау нави ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш учун энг мақбул ўсишни бошқарувчи моддаларни танлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Ушбу бобнинг «Узумнинг уруғсиз Тарнау нави ҳосилдорлик кўрсаткичлари» деб номланган бўлимида тажриба ўсимликларида қўлланилган ўсишни бошқарувчи модда таъсирида ҳосилдорликнинг ўзгариши тадқиқ қилинган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, узумнинг уруғсиз Тарнау навининг ҳосилдорлиги гиббереллин билан 100 мг/л концентрацияда ишлов берилганда энг юқори даражада ортди (3-жадвал).

3-жадвал

Узумнинг Тарнау нави узум бошлари оғирлиги ва ҳосилдорлигига ўсишни бошқарувчи моддаларнинг таъсири, 2011-2013 й.й.

Препарат	Концентрация, мг/л	Ишлов муддати	Узумбоши оғирлиги, г	Туп ҳосили, кг	Ҳосилдорлик, ц/га
Назорат (сув)		Ia	372	18,7	311,5
Гиббереллин	100	Ia	452	22,5	374,8
Гиббереллин	25	Ia	423	21,0	349,8
Дропп	10	Ia	410	20,4	339,8
Гиббереллин+дропп	12,5+10	Ia	402	20,0	333,2
Гиббереллин+дропп	25+10	Ia	414	20,7	344,8
Крезацин	50	Ia	405	20,2	336,5
Г.К.+Д+Кр	25+10+50	Ia	394	19,6	326,5
Кампозан	50	II	369	19,0	316,5
Кампозан	100	II	363	18,8	313,2
ЭКФ _{0,5}			7,9	0,3	0,6
Sx			0,8	0,2	0,4

«Узумнинг уруғсиз Тарнау навининг қанд тўпланиш динамикаси ва шарбат сифатига ўсишни бошқарувчи моддаларнинг таъсири» деб номланган бўлимда қўлланилган ўсишни бошқарувчи модда таъсирида ғужум шарбати таркибидаги қанд ва органик кислоталар миқдорининг ўзгариши тадқиқ қилинган. Тажриба маълумотлари шуни кўрсатдики, Тарнау нави ғужумларида кампозан (100 мг/л) таъсирида қанд тўпланиши тезлашди ва ғужум шарбатида қандларнинг ялли концентрацияси 1,8-2,0% га ортди.

Ток тулларида гиббереллин моддаси билан ишлов берилганда эса фақатгина ғужум шарбати қандлилиги миқдорининг ортиши тенденцияси қайд этилди (4-жадвал).

**Узумнинг Тарнау нави ғужумларида ҳосилни йиғиш давридаги
титрланадиган кислоталилик ва қандларнинг ялпи концентрациясига
ўсишни бошқарувчи моддаларнинг таъсири**

Препарат	Концен- трация, мг/л	Ишлов бериш муддати	Ялпи концентрация	
			қандлилиги, г/100 см ³	титрланадиган кислоталилик, г/дм ³
Назорат (сув)		Ia	20,1	6,70
Гиббереллин	100	Ia	20,7	6,40
Гиббереллин	25	Ia	20,6	6,30
Дропп	10	Ia	20,5	6,40
Гиббереллин+дропп	12,5+10	Ia	20,4	6,30
Гиббереллин+дропп	25+10	Ia	20,5	6,40
Крезацин	50	Ia	20,5	6,50
Г.К.+Д+Кр	25+10+50	Ia	20,3	6,46
Кампозан	50	II	21,4	5,90
Кампозан	100	II	21,8	5,80
ЭКФ _{0,5}			0,5	0,4
Sx			0,4	0,3

Кузатувлар шуни кўрсатдики, қанд тўпланиш жараёнининг тезлашиши ва миқдорининг ортиши препаратнинг физиологик хусусияти ва навнинг биологик кўрсаткичларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ғужум шарбатида титрланадиган кислоталарнинг камайиши билан кечди. Ғужумларда қандлилиги миқдорининг ортиши қўлланилган препаратларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, редуцияланувчи қандлар йиғиндисиде фруктоза миқдорининг ортиши натижасидир.

Ток тупларига ўсишни бошқарувчи моддалар билан ишлов бериб етиштирилган хомашёдан тайёрланган хўраки шароб материаллари органолептик хусусиятлари бўйича назоратдан қолишмади ва қатор ҳолларда назорат намуналаридан устун бўлди.

Диссертациянинг «Узумнинг уруғсиз навларига ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бўлимда тавсия этилаётган ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллашнинг иқтисодий мақбуллигини аниқлаш юзасидан амалга оширилган таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, узумнинг уруғсиз Тарнау навида Гиббереллин (25 мг/л) ва Кампозан (100 мг/л) билан ишлов берилган вариантларда энг юқори ҳосил олинганлиги туфайли ялпи даромад энг юқори – 69960,0 минг ва 68904,0 минг сўмни ташкил этди. Ўсишни бошқарувчи моддалар билан ишлов берилган ушбу вариантларда ҳосилни реализация қилишдан олинган соф фойда мос ҳолда 33473,4 минг ва 32076,9 минг сўмни ташкил этди.

Ўсишни бошқарувчи моддалар билан ишлов берилганда узумнинг уруғсиз Тарнау навини етиштиришнинг рентабеллик даражаси ҳосилдорлик ва айниқса

қандиликнинг ортишига боғлиқ равишда юқори бўлганлиги қайд этилди. Бунда гиббереллин (25 мг/л) билан ишлов берилганда маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий рентабеллиги 91,7% ва Кампозан (100 мг/л) билан ишлов берилганда эса 87,1% ни ташкил этди. Бу эса назорат (ишлов берилмаган) вариантынинг ушбу кўрсаткичига нисбатан мос ҳолда 28,4 ва 23,8% га юқори бўлиши аниқланди.

Диссертациянинг «**Узум ҳосилдорлиги ва сифатини ток тупи юкламасига боғлиқлиги**» деб номланган бешинчи бобида узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлиги ва сифатини максимал оширишга имкон берувчи туп юкламасини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Хусусан, ушбу бобнинг «Узумнинг уруғсиз навлари фенологик фазаларини ўтишининг туп юкламасига боғлиқлиги» деб номланган бўлимида нав ўсимликларида фенологик фазаларнинг ўтишига туп юкламасининг таъсири тадқиқ қилинган. Кузатувларнинг кўрсатишича, узумнинг Кишмиш мраморный ва Кишмиш Согдиана навларида юклама 80 куртак бўлган вариантда энг кўп ўсиб чиққан куртаклар миқдори – 65,5 ва 74,1% қайд этилди. Юклама оширилганда ўсиб чиққан куртаклар, мос ҳолда 120 куртакда 62,1 ва 68,2 % ва 160 куртак юкламасида 57,2 ва 59,5% гача камайиб борди.

Узумнинг Кишмиш мраморный ва Кишмиш Согдиана навларида куртак юкламаси 120 бўлганда ҳосилли новдаларнинг энг кўп миқдори – 65,8 ва 36,3% қайд этилди. Ҳосилли новдаларнинг энг кам миқдори – 57,8 ва 35,5% юклама 160 куртаккача оширилганда аниқланди. Юклама 80 куртак бўлганда ҳосилли новдаларнинг миқдори оралик ўрин эгаллади ва мос ҳолда 61,4 ва 36,1% га тенг бўлди.

Узумнинг Кишмиш мраморный ва Кишмиш Согдиана навларида куртак юкламаси 120 бўлганда новдаларнинг энг юқори ҳосилдорлик коэффициенти – мос ҳолда 1,27 ва 1,08 га тенг бўлди. Энг кичик коэффициент – 1,21 ва 1,04 юклама 160 куртаккача оширилганда аниқланди. Юклама 80 куртак бўлганда ушбу коэффициент оралик ўрин эгаллади ва мос ҳолда 1,22 ва 1,07 га тенг бўлди.

Узумнинг Кишмиш мраморный ва Кишмиш Согдиана навларида куртак юкламаси 80 бўлганда новдаларнинг энг узун ўсиши – 101 ва 115 см ни ташкил этди. Новдаларнинг энг кам ўсиши – 59,0 ва 68,0 см юклама 160 куртак бўлганда аниқланди. Юклама 120 куртак бўлганда новдаларнинг ўсиш узунлиги оралик ўрин эгаллади ва мос ҳолда 84 ҳамда 89 см ни ташкил этди.

Узумнинг Кишмиш мраморный ва Кишмиш Согдиана навларида куртак юкламаси 120 бўлганда новдаларнинг энг яхши пишиши – 86,0 ва 81,0% қайд этилди. Новдаларнинг энг кам пишиши – 72,0 ва 67,0 % юклама 160 куртак бўлганда аниқланди. Юклама 80 куртак бўлганда новдаларнинг пишиши оралик ўрин эгаллади ва 80 ҳамда 72% ни ташкил қилди.

Кесиш узунлиги ҳам новдаларнинг пишишига таъсир кўрсатади. Кишмиш мраморный ва Кишмиш Согдиана навларида новдалар ўртача узунликда кесилганда уларнинг энг яхши пишиши – 85,9 ва 80,6% қайд этилди. Новдаларнинг энг кам пишиши – 72,0 ва 66,5% уларнинг энг узун кесилишида аниқланди. Кесиш узунлиги энг калта бўлганда новдаларнинг пишиши оралик

ўрин эгаллади ва 80 ҳамда 72,5% ни ташкил қилди.

Ушбу бобнинг «Узумнинг уруғсиз навлари ҳосилдорлик кўрсаткичларининг туп юкламасига боғлиқлиги» деб номланган бўлимида туп юкламасига боғлиқ равишда узумнинг уруғсиз навларида ҳосил миқдорининг ўзгариши тадқиқ қилинган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, узумнинг Кишмиш мраморный ва Кишмиш Согдиана навларида юклама 80 куртак бўлган вариантга нисбатан 50% га оширилганда (120 куртак) тупдаги узум боши миқдори 55,0 ва 70,1% га кўпайди, юклама 100% га оширилганда (160 куртак) ушбу кўрсаткич 60,2 ва 57,9% га кўпайди.

Кишмиш мраморный ва Кишмиш Согдиана навларида энг йирик – 327 ва 340 г узум бошлар туп юкламаси 80 куртак бўлган вариантда қайд этилди. Ток тупи юкламаси 120 ва 160 куртакгача оширилганда узум бошининг ўртача оғирлиги камайди, яъни мос ҳолда 283 ва 250 г ҳамда 320 ва 285 г ни ташкил этди.

